



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 12 » aprel

№ 202

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида

Атроф муҳит ифлосланиши ва чиқиндилар жойлаштирилишини бошқаришнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш, “ифлослантирувчи тўлайди” тамойилини амалиётга янада кенгроқ жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ–5863-сон ва “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) ҳамда Молия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддалар ташламаларини атмосфера ҳавосига чиқариб ташловчи, очиқ сув ҳавзалари ва жойларнинг рельефига оқова сувларни оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи 55,1 мингта юридик шахс хатловдан ўтказилганлиги;

2020 йилда атроф муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун Давлат экология қўмитасининг Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига 68,3 млрд сўм маблағ тушганлиги;

ушбу маблағларнинг 17,75 млрд сўми Давлат бюджетига ўтказилганлиги, қолган маблағлар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари ҳамда бошқа тадбирларни амалга оширишга, Давлат экология қўмитасининг моддий-техник базасини ривожлантиришга, шунингдек, ходимларини моддий рағбатлантиришга сарфланганлиги ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

а) куйидагилар:

турғун ва кўчма манбалардан ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш массаси;

ифлослантирувчи моддаларни сув объектларига ва жойларнинг рельефига оқизиш массаси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириладиган хавфли ва хавфсиз чиқиндилар массаси;

юрidik шахслар, шунингдек, юрidik шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларнинг нормативдан ортиқча оқизилган массаси атроф муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари (кейинги ўринларда – компенсация тўловлари) объектлари ҳисобланади;

б) куйидагилар:

маҳсус сақланаётган ва ҳар хил турдаги маҳсус жиҳозланган тўплаш жойларида жойлаштириладиган хомашё ресурслари разрядига тегишли бўлган балансдан ташқари рудалар;

маҳсус ажратилган майдонларда вақтинча (олти ойгача) жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоблар асосида хужжатлаштирилган ва сўнгра иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш чиқиндилари;

техника экинлари ва ўсимликларини суғориш учун белгиланган тартибда фойдаланиладиган тозаланган оқова сувлар;

ажратилган ерда жойлаштириладиган, кон саноатининг кон юзасини очишдаги ва қоришма жинслар;

конларнинг ишлатилган қатламларига қайтариладиган, шунингдек, қатламдаги босимни ушлаб туриш учун ҳайдаладиган ер ости йўлдош қатлам сувлари;

фойдали қазилмалар хомашё ресурслари сифатида маҳсус жиҳозланган чиқинди сақлаш шохобчаларида жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоблар асосида хужжатлаштирилган ва кейинчалик (узоғи билан икки йил давомида) қайта ишланадиган кон қазилма саноати чиқиндилари;

минерал ўғитлар ва иқтисодиёт тармоқлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хомашё ресурслари сифатида жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоблар асосида хужжатлаштирилган, кейинчалик (узоғи билан беш йил давомида) қайта ишланадиган ҳамда маҳсус жиҳозланган сақлаш жойлари (уюмлар)да жойлаштириладиган фосфорли ўғитлар (фосфогипс) ишлаб чиқариш чиқиндилари компенсация тўлови объектлари ҳисобланмайди;

в) қуйидагилар:

ифлослантирувчи моддалар ташламаларини атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова сувларни оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар;

юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизувчи жисмоний шахслар компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 15 июлдан бошлаб:

ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш массаси тасдиқланган экологик нормативлардан 1 баравардан 5 бараваргача ёки ундан ортиқ (кам) бўлганда компенсация тўловчи субъектлар мос равишда 1 баравардан 20 бараваргача кўпайтирилган (камайтирилган) миқдорда компенсация тўловларини тўлайдилар;

экологик нормативлар тасдиқланмаган ёки уларнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса, атроф муҳитга юқори (I тоифа) ва ўртача (II тоифа) даражада хавfli таъсир кўрсатадиган компенсация тўловчи субъектлар ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш, чиқиндиларни жойлаштиришнинг амалдаги массасига нисбатан 20 баравар, шунингдек, паст (III тоифа) ва маҳаллий (IV тоифа) даражада таъсир кўрсатувчи компенсация тўловчи субъектлар 10 баравар кўпайтирилган миқдорда компенсация тўловларини тўлайдилар;

ифлослантирувчи моддаларни бирваракайига ташлаганлик ва оқизганлик учун компенсация тўловлари ҳар бир модда бўйича белгиланган базавий ставкаларга нисбатан 10 баравар кўпайтирилган миқдорда тўланади.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат экология қўмитаси:

Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда компенсация тўловлари тўғри ҳисобланиши ва тўланиши устидан доимий назорат ўрнатиб, ўзаро маълумот алмашинувини йўлга қўйсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар компенсация тўловлари ҳисобланиши ва тўланиши билан боғлиқ электрон ахборот тизимини амалиётга тўлиқ жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Рамамов, Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А.И. Максудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “12” апрелдаги 202сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит
ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги
учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари – атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва унга бошқа турдаги зарарли таъсирлар кўрсатилганлиги (ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш, чиқиндиларни жойлаштириш) учун тўловлар;

компенсация тўловларининг базавий миқдори – компенсация тўловлари атмосфера ҳавосига турғун ва кўчма манбалардан чиқариб ташланадиган бир тонна ёки бир килограмм ҳажмдаги ифлослантирувчи моддалар, сув объектларига ва жойларнинг рельефига, коммунал канализация тармоқларига оқизилган бир тонна ҳажмидаги ифлослантирувчи моддалар, жойлаштирилган бир тонна ҳажмидаги чиқиндиларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг амалда белгиланган коэффициентларида белгиланади;

аванс компенсация тўловлари – компенсация тўловлари миқдорини босқичма-босқич тўлашни назарда тутувчи маблағларни киритиш;

ифлослантирувчи моддаларни авария ҳолатида чиқариб ташлаш ва оқизиш – хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида ер усти қатламларига ҳамда конларга қаттиқ, суяқ ва газсимон ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалиши натижасида атроф муҳитнинг тўсатдан ифлосланишига ва кутилмаган ҳалокатларга олиб келадиган даражада атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, сув объектларига уларни оқизиш;

ифлослантирувчи моддаларнинг бирваракайига ташламалари ва оқовалари – атмосфера ҳавосига, сув объектларига ва жойларнинг рельефига ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи манбалардан қисқа муддатда технологик регламентда назарда тутилган миқдордан кескин равишда ошиқча чиқариладиган ташламалар ва оқовалар;

чиқиндиларни жойлаштириш – чиқиндиларни сақлаш ҳамда уларни кўмиб ташлаш билан боғлиқ комплекс амалий фаолият;

оқова сувлар – юридик ва жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқариш ёки бошқа мақсадларда сувдан фойдаланишда унинг таркиби кимёвий жиҳатдан ўзгариши натижасида ҳосил бўлган сувлар;

экологик нормативлар – атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш натижалари асосида ишлаб чиқилган ҳамда давлат экологик экспертизасидан ўтган чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва жойлаштирилиши, ташламалар ва оқова сувларлар меъёрлари.

2-боб. Атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларининг объектлари

3. Ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш (ташламалар), оқова сувларни оқизиш (оқовалар)нинг норматив ва нормативдан ортиқча, авария ҳолатидаги ташламалар ва оқовалар ҳамда бирваракайига ташламалар, шунингдек, лимит бўйича ва лимитдан ташқари жойлаштирилган чиқиндилар массаси атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари (кейинги ўринларда – компенсация тўловлари) объекти ҳисобланади ва у ўз ичига қуйидагиларни олади:

турғун ва кўчма манбалардан ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш массаси;

ифлослантирувчи моддаларни сув объектларига ва жойларнинг рельефига оқизиш массаси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириладиган хавфли ва хавфсиз чиқиндилар массаси;

юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларнинг нормативдан ортиқча оқизилган массаси.

4. Қуйидагилар компенсация тўлови объектлари ҳисобланмайди:

махсус сақланаётган ва ҳар хил турдаги махсус жиҳозланган тўплаш жойларида жойлаштириладиган хомашё ресурслари разрядига тегишли бўлган балансдан ташқари рудалар;

махсус ажратилган майдонларда вақтинча (олти ойгача) жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоблар асосида ҳужжатлаштирилган ва сўнгра иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш чиқиндилари;

техника экинлари ва ўсимликларини суғориш учун белгиланган тартибда фойдаланиладиган тозаланган оқова сувлар;

ажратилган ерда жойлаштириладиган, кон саноатининг кон юзини очишдаги ва қоришма жинслар;

конларнинг ишлатилган қатламларига қайтариладиган, шунингдек, қатламдаги босимни ушлаб туриш учун ҳайдаладиган ер ости йўлдош қатлам сувлари;

фойдали қазилмалар хомашё ресурслари сифатида махсус жиҳозланган чиқинди сақлаш шохобчаларида жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоблар асосида ҳужжатлаштирилган ва кейинчалик (узоғи билан икки йил давомида) қайта ишланадиган кон қазиш саноати чиқиндилари;

минерал ўғитлар ва иқтисодиёт тармоқлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хомашё ресурслари сифатида жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоблар асосида ҳужжатлаштирилган, кейинчалик (узоғи билан беш йил давомида) қайта ишланадиган ҳамда махсус жиҳозланган сақлаш жойлари (уюмлар)да жойлаштириладиган фосфорли ўғитлар (фосфогипс) ишлаб чиқариш чиқиндилари.

3-боб. Компенсация тўловчи субъектлар

5. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддалар ташламаларини атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова сувларни оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар;

юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизувчи жисмоний шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган ташкилотлар (кейинги ўринларда – бюджет ташкилотлари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланмайди.

Бюджет ташкилотлари мазкур Низомга мувофиқ ўзларининг асосий фаолиятдан ташқари ва атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан шуғулланганда, ундан олинган даромад манбалари ҳисобидан компенсация тўловлари тўлайдилар.

Атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи тоифаларига мансуб субъектлар (кейинги ўринларда – I – IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар), ушбу Низомнинг 4–7-бобларида келтирилган компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига амал қилган ҳолда иш юритади.

4-боб. Компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби

6. Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар ташламаларини ва оқоваларни норматив ва нормативдан ортиқча чиқарганлик ва оқизганлик, шунингдек, чиқиндиларни белгиланган лимит ва лимитдан ортиқча жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари миқдори атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I – IV тоифаларига мансуб компенсация тўловчи

субъектлар томонидан ушбу Низомга 1, 2, 3 ва 4-иловаларга асосан белгиланган базавий ставкаларга мувофиқ, атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддалар ташланмалари, оқовалари массаси чиқиндиларни жойлаштириш билан боғлиқ аниқ маълумотлар ҳамда тасдиқланган экологик нормативларга асосланган ҳолда мустақил равишда белгиланади.

Хавфлилик даражаси I (юқори даражада хавфли), II (ўртача даражада хавфли) ва III (паст даражада хавфли) тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар учун тўловлар миқдори лаборатория таҳлиллари асосида, агар атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларда назоратнинг автоматик тизими жорий этилган бўлса, бу ҳолатда компенсация тўловлари ушбу тизимнинг маълумотлари асосида ҳисобланиши мумкин.

7. Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар ташламаларини чиқариш, оқоваларини оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг аниқ массаси I, II ва III тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар томонидан дастлабки ҳисоб-китоблар, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг лабораториялари, I, II ва III тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектларнинг ишлаб чиқариш лабораториялари ёки қонунчиликда белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган бошқа ташкилотларнинг аккредитациядан ўтган ёки техник жиҳатдан малакалилиги маъқулланган (мувофиқлиги маъқулланган ёки малакалилиги Аккредитация маркази томонидан расман тасдиқланган) лабораториялари томонидан амалга оширилган давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратлари натижасида олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Юқорида қайд этилган лабораториялар томонидан компенсация тўловларини ҳисоблаш мақсадида аниқланган атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг ташламалари, оқовалари ва чиқиндилар массаларига оид кўрсаткичлар ҳар хиллиги аниқланган тақдирда, давлат экологик назорати ёки атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар мониторингини олиб борган лаборатория натижаларига оид маълумотлар қабул қилинади.

8. Атроф табиий муҳитни белгиланган меъёр даражасида ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун I–IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар томонидан тўланадиган компенсация тўловининг миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$(1) \quad П=(M_n * R * B_{\text{ХМ}}):B_k,$$

бунда:

П – атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўлови суммаси, сўмда;

М_н – атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни тасдиқланган экологик нормативлар доирасида жойлаштириш массаси, тонна ва килограммларда;

R – атроф табиий муҳитга чиқарилган, оқизилган ифлослантирувчи моддалар ва жойлаштирилган чиқиндиларнинг бир тоннаси учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдorigа нисбатан коэффициентлардаги базавий ставка;

БХМ – базавий ҳисоблаш миқдори, сўмда;

Бк – ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланишига, оқизилишига ва чиқиндилар жойлаштирилишига тасдиқланган нормативлар (лимитлар) кўпайтирилганлиги (камайтирилганлиги) учун бараварлик коэффициенти. Норматив ва амалдаги масса ўртасида бараварлик ҳолати каттаси кичигига бўлинган ҳолда бараварлик коэффициенти аниқланади.

Бк қуйидаги боғлиқликда аниқланади.

Т/р	Ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш массаси тасдиқланган экологик нормативлардан ортиқ (кам) бўлган	Ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришда тасдиқланган экологик нормативлар (лимитлар)дан ошириб юборилганлиги (камайтирилганлиги) учун бараварлик коэффициенти кўрсаткичлари (Бк)
1.	1,0 дан 1,0009 гача	1,0
2.	1,001 дан 1,049 гача	1,2
3.	1,05 дан 1,059 гача	2,2
4.	1,06 дан 1,1 гача	2,5
5.	1,11 дан 1,2 гача	3,4
6.	1,21 дан 1,3 гача	4,4
7.	1,31 дан 1,5 гача	6,0
8.	1,51 дан 1,8 гача	8,0
9.	1,81 дан 2,0 гача	10,0
10.	2,1 дан 2,2 гача	11,5
11.	2,21 дан 2,4 гача	13,0
12.	2,41 дан 2,6 гача	14,0
13.	2,61 дан 2,8 гача	15,0
14.	2,81 дан 3,1 гача	16,5
15.	3,11 дан 4,5 гача	17,5
16.	4,51 дан 5,0 гача	18,5
17.	5,0 дан ортиқ	20,0

Ифлослантирувчи моддаларнинг атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг тасдиқланган экологик нормативлари кўпайтирилганлиги учун бараварлик коэффициенти

ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг амалдаги массаси ҳар бир модда бўйича алоҳида тасдиқланган экологик нормативларга нисбати сифатида белгиланади.

Ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндиларни жойлаштиришга оид тасдиқланган экологик нормативлар камайтирилганлиги учун бараварлик коэффиенти ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг амалдаги массаси ҳар бир модда бўйича алоҳида тасдиқланган нормативларга нисбати сифатида белгиланади.

Атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги, чиқиндилар жойлаштирилганлиги бўйича белгиланган меъёрлардан ортиқ ҳолатлар аниқланганда, тўланадиган компенсация тўловининг миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$(2) \quad \Pi = (M_n * R * B_{\text{ХМ}}) + (M_{\text{но}} * R * B_{\text{ХМ}} * B_k),$$

бунда:

Π – атроф муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўлови суммаси, сўмда;

M_n – атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни тасдиқланган экологик нормативлар доирасида жойлаштириш массаси, тонна ва килограммларда;

M_{но} – ифлослантирувчи моддаларни тасдиқланган экологик нормативдан ортиқча ҳажмда атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш, тонна ёки килограммларда;

R – базавий ставка;

B_{ХМ} – базавий ҳисоблаш миқдори, сўмда;

B_к – бараварлик коэффиенти.

Ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш, чиқиндиларни жойлаштиришнинг амалдаги массаси учун экологик нормативларни тасдиқламаган ҳолда атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўлови суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$(3) \quad \Pi = (M_{\text{ф}} * R * B_{\text{ХМ}}) * \text{Шк}$$

бунда:

M_ф – атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг ҳақиқий массаси;

R – базавий ставка;

B_{ХМ} – базавий ҳисоблаш миқдори, сўмда;

Шк – шартли коэффиенти, яъни ушбу белги остида корхонанинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда ушбу Низомнинг 11-бандида келтирилган кўрсаткичдаги коэффицентлар қўлланилган ҳисоблаш ишлари амалга оширилади.

9. Компенсация тўлови суммасини ҳисоблаш учун куйидагилар қўлланилади:

атроф табиий муҳитга чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ташланмалари массасига доир аниқ маълумотлар;

атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни турларига кўра жойлаштиришнинг ҳисобини юритиш бўйича дастлабки маълумотлар;

компенсация тўловчи субъектлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган шаклларга мувофиқ ҳар йили тақдим этиладиган давлат статистик ҳисоботлари асосидаги аниқ маълумотлар;

ифлослантирувчи манбаларда ускуна-жиҳозлар воситасида бажарилган экологик назорат, атроф муҳит мониторинги натижалари маълумотлари.

Ҳисобот даврида атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг ҳақиқий массасини аниқлаш мумкин бўлмаса, шунингдек, экологик нормативлар тасдиқланмаган тақдирда, уларнинг массаси ишлаб чиқаришнинг технологик регламенти бўйича кутилаётган йиллик массадан келиб чиқиб ҳисобланади.

10. Атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатишнинг I–IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар компенсация тўловларини мазкур Низомнинг 6–8-бандларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиб, ўз вақтида тўловларни амалга оширишлари шарт.

11. Компенсация тўловчи субъектларда атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг тасдиқланган экологик нормативлари мавжуд бўлмаган тақдирда ёки уларнинг амал қилиш муддати тамом бўлганда, Низомнинг 8-бандида келтирилган 3-формула асосида компенсация тўловлари ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда I ва II тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар учун 20 (йигирма), III ва IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар учун 10 (ўн) шартли коэффициентлар қўлланилади.

12. Мотор ёнилғиси ёқилганда ифлослантирувчи моддалар атмосфера ҳавосига нормативда чиқарилганлиги учун компенсация тўлови ҳисоб-китоби ушбу Низомга 2-иловага асосан, уларни турларга ажратмасдан ифлослантирувчи моддаларнинг тўлиқ массаси учун компенсация тўлови миқдорларига мувофиқ амалга оширилади, ифлослантирувчи моддаларнинг амалдаги массаси эса ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ қабул қилинади.

Агар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан компенсация тўловчи субъектда давлат экологик назорати амалга оширилиши мобайнида инструментал усул билан автотранспорт воситаларининг ифлослантирувчи моддаларини ўлчаш натижасида улар белгиланган нормативлардан ортиқ эканлиги аниқланса, у ҳолда нормативдан неча баравар ортиқча чиқарилганлик кўрсаткичи аниқланади ва ҳисобот йилида ушбу автотранспортнинг сарфланган ёқилғи массасига ҳамда белгиланган базавий

ставкага кўпайтирган ҳолда қуйида келтирилган формула асосида компенсация тўлови ҳисобланади:

$$(4) \text{ П} = \text{У}_x * \text{М}_{\text{им}} * \text{R} * \text{БХМ}$$

бунда:

У_x – корхона томонидан автотранспорт воситаси учун сарфланган ёқилғи ҳажми миқдори, тонна ёки килограммларда;

$\text{М}_{\text{им}}$ – ифлослантирувчи модда массаси, Низомга 3-илова билан тасдиқланган бир тонна мотор ёқилғисини ёқишда чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддалар миқдори турига қараб олинади;

R – базавий ставка;

БХМ – базавий ҳисоблаш миқдори, сўмда.

13. Кейинчалик қайта ишланмайдиган ва ҳар хил турдаги махсус жиҳозланган тўпланадиган жойларга жойлаштириладиган нормативдаги ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча) ишлаб чиқариш чиқиндилари учун компенсация тўлови ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

14. Ишлаб чиқариш оқова сувларини чуқур ер ости горизонтларига ҳайдаш йўли билан жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари ушбу Низомга мувофиқ хавфлилик даражаси тўртинчи тоифага мансуб суяк чиқиндилар бўйича амалга оширилади.

15. Кон саноатида фойдали қазилма конларининг юзасини очиш натижасида чиқарилган хавфсиз тоғ жинслари массасини нормативда ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча) миқдорда вақтинча ажратилган майдонларга жойлаштирилганлик учун ушбу Низомга мувофиқ компенсация тўлови тўланади.

5-боб. Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни авария ҳолатида ва бирваракайига чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш ҳолатларида компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби

16. Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар авария ҳолатида ва бирваракайига чиқариб ташланган, оқизилган ва чиқиндилар жойлаштирилган ҳолатларда уларнинг миқдори инструментал усулда аниқланади.

Агар атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни авария ҳолатида чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш миқдорини инструментал усулда аниқлаш мумкин бўлмаса, уларнинг миқдори ишлаб чиқаришнинг технологик тартиб-қоидадан келиб чиқиб ҳисоб-китоб усули билан аниқланади.

17. Ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга авария ҳолатида чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришда компенсация тўловлари ифлослантирувчи моддаларни авария ҳолатида чиқариб ташлаш, оқизиш ва ноқонуний равишда чиқиндиларни жойлаштириш жараёни юзага келган пайтдан бошлаб, у баргараф этилгунга қадар ўтган давр учун захарли

моддаларнинг ҳамда чиқиндиларнинг ҳар бир тури учун белгиланган компенсация тўловларининг ўн баравари миқдорида тўланади.

18. Компенсация тўлови ҳисоб-китобидан аварияни бартараф этиш ва унинг оқибатлари даврида зарарсизлантириш ёки кейинчалик ишлаб чиқаришга жалб этиш учун корхонага қайтариладиган ифлослантирувчи моддалар массаси чиқариб ташланмайди.

19. Ифлослантирувчи моддалар сақланадиган, тўпланадиган ёки уларни ташувчи тизимлардан, шу жумладан, авария ҳолати учун ҳовузларнинг ажратилган чегаралари доирасида сув объектларига ёки жой рельефига ифлослантирувчи моддалар оқиб чиққан ҳолатларда, сув ўтказмайдиган қопламага эга бўлмаган субъектларда, ифлослантирувчи моддалар массаси учун компенсация тўловлари сув объектларига, жой рельефига авария ҳолатида оқизиш сифатида тўланади.

20. Ифлослантирувчи моддаларни бирваракайига ташлаганлик, оқизганлик учун компенсация тўловлари, ифлослантирувчи моддаларни бараварига ташлаш, оқизиш содир этилган пайдан бошлаб, у бартараф этилгунгача бўлган даврга, тасдиқланган экологик нормативларга мувофиқ ҳар бир модда бўйича компенсация тўловларининг белгиланган миқдорларига ўн баравар миқдорда тўланади.

21. Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни авария ҳолатида, бирваракайига чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни ноқонуний равишда жойлаштирганлик учун ҳисобланган сумма, авария, бирваракайига чиқариш ҳолатлари содир этилганда айбдор бўлган шахслардан қатъи назар, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш, оқизиш ва жойлаштириш объектлари тасарруфида бўлган компенсация тўловчи субъектлар томонидан қопланади.

6-боб. Компенсация тўлови ҳисоб-китобларини расмийлаштириш ва уларни келишиш

22. Атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўлови суммаси ҳисоб-китоби I – IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар томонидан, мувофиқ тарзда, ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ электрон ёки қоғоз шаклида тузилади.

Агар ҳисобот электрон шаклда тузилса электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларининг электрон базасига киритилиши таъминланиши, қоғоз шаклида бўлса у икки нусхада тузилиб, ҳисоб-китобларни солиштириш ва келишиш учун компенсация тўловчи субъектлар жойлашган экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича шаҳар (туман) инспекциясига қўйидаги муддатларда тақдим этилади:

I ва II тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар – ҳар чоракда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача;

III ва IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар – ҳар йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январигача.

Ҳисоб-китоблар компенсация тўловчи субъектлар томонидан экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларига бевосита почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда улар тушганлиги ҳақидаги хабарнома билан бирга тақдим этишлари мумкин.

23. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органи масъул шахси электрон шаклда тақдим қилинган компенсация тўловларининг ҳисоб-китоби тўғрилигини текширади. Бу ҳолда икки иш куни ичида:

мавжуд ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилган текширишда ҳисоб-китоб тўғри деб топилган тақдирда, масъул шахснинг электрон рақамли имзоси билан компенсация тўловини амал ошириш учун компенсация тўловчи субъектга қайтарилади;

компенсация тўловлари ҳисоб-китобларининг нотўғрилиги аниқланган ҳолатларда, масъул шахс электрон рақамли имзоси билан уларни компенсация тўловчи субъектга асосли камчиликларни кўрсатган ҳолда такроран кўриб чиқиш учун қайтаради.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича шаҳар (туман) инспекцияси қоғоз шаклида тақдим қилинган компенсация тўловларининг ҳисоб-китоби тўғрилигини аниқлайди. Бу ҳолда икки иш куни ичида:

текширилган ҳисоб-китобнинг бир нусхаси масъул шахснинг имзоси билан компенсация тўловчи субъектга қайтарилади;

компенсация тўловлари ҳисоб-китобларининг нотўғрилиги аниқланган ҳолатларда масъул шахс уларни компенсация тўловчи субъектга асосли камчиликларни кўрсатган ҳолда такроран кўриб чиқиш учун қайтаради.

Компенсация тўловчи субъектлар аниқланган камчиликларни икки иш куни ичида бартараф қилиб, компенсация тўлови ҳисоб-китобларини қайта кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим этади.

24. Ҳисоб-китобларда кўрсатилган компенсация тўлови суммалари, муайян давр учун ҳақиқатда ҳисобланган, шунингдек, тўланган аванс компенсация тўловлари суммалари билан солиштирилади.

Ҳисобланган ва тўланган компенсация тўловлари ўртасида фарқ аниқланган ҳолатларда, ушбу фарқ ҳисоб-китоблар тасдиқланган санадан эътиборан ўн кун муддатда компенсация тўловчи субъектлар томонидан кўшимча равишда тўланади.

Ортиқча тўланган компенсация тўловлари тўланган компенсация тўлови бўйича қарздорликни (пеня ва ҳоказо) қоплаш ёки келгусида тўланадиган тўловлар учун аванс компенсация тўлови сифатида ҳисобланади.

25. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органлари билан келишилган компенсация тўлови ҳисоб-китоблари компенсация тўловчи субъектларни келишилган ҳисоб-китобларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарликдан озод этмайди.

Компенсация тўловчи субъектлари фаолиятида давлат экологик назорати амалга оширилганда ва келишилган компенсация тўловини нотўғри ҳисоблаш ҳолати аниқланганда, охириги текширув санасидан (уч календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддат) қайта ҳисоб-китоб қилинади, келишилади, шунингдек, ушбу Низомга мувофиқ пеня ҳисобланган ҳолда тўлов ундирилади.

7-боб. Компенсация тўловларини амалга ошириш тартиби ва муддатлари

26. I ва II тоифага мансуб компенсация тўловчи субъектлар ҳар чоракда атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги, чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунигача аванс компенсация тўловини амалга оширадилар.

Аванс компенсация тўловлари олдинги чорак маълумотлари бўйича ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилишининг норматив ва нормативдан ортиқча амалдаги ўртача ойлик массасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Тегишли чорак учун ҳисоблаб чиқилган компенсация тўлови суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан кам бўлган тақдирда, компенсация тўлови ҳар чоракда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача амалга оширилади. Бу ҳолатда ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга норматив бўйича ва нормативдан ортиқ чиқариш, оқизиш ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш ҳисоб-китоби молиявий ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда, йилига бир марта экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишилади.

Ҳисобот йили тугагач аванс тўловлари биринчи-учинчи ва тўртинчи чорак якунларини инобатга олган ҳолда йиллик ҳисобот юритилиб, ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланганлиги, оқизилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлигининг йил давомидаги ҳақиқий массасига мувофиқ, қайта ҳисоб китоб қилиниб, якуний тўлов қиймати ҳисоблаб чиқилади ҳамда тўловга қаратилади.

27. III ва IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар томонидан атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари йилига бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 5 февралигача амалга оширилади.

28. Компенсация тўловчи субъектлар компенсация тўловларини атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш жойи (ҳудуди) бўйича тўлайдилар.

29. Компенсация тўловлари компенсация тўловчи субъектлар томонидан фазначилик ҳудудий органларининг тегишли транзит ҳисобварағига юборилади, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Давлат экология

қўмитаси) Экология, атроф муҳит муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига ўтказилади.

30. Маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорда, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундирилади.

8-боб. Компенсация тўловчи субъектларнинг компенсация тўловлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари

31. Компенсация тўловчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат экология қўмитаси ёки унинг ҳудудий органларидан компенсация тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш масалалари бўйича бепул зарур маслаҳат ва методик ёрдам олиш;

ортиқча тўланган компенсация тўловлари ёки ундирилган пеняларни ушбу Низомга мувофиқ келгуси давр ҳисобига ўтказиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат экология қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш.

Компенсация тўловчи субъектлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

32. Компенсация тўловчи субъектлар қуйидагиларга мажбур:

компенсация тўловларини ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлаш;

ушбу Низомга мувофиқ компенсация тўловлари ҳисоб-китоби суммаларини Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органларига келишиш учун қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этиш;

компенсация тўловлари ҳисоб-китоби маълумотларининг ҳаққонийлигини таъминлаш, компенсация тўловларини ҳисоб-китоб қилишда йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида бартараф этиш;

ушбу Низом талабларига риоя қилиш.

Компенсация тўловчи субъектлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Компенсация тўловчи субъектлар қайта ташкил этилганда компенсация тўловлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг ҳуқуқий ворисига ўтади.

34. Атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини тўлаш тўловчиларни ушбу чиқиндиларни ташлаганлик, оқоваларни оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик туфайли етказилган зарарни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

9-боб. Давлат экология қўмитаси ва унинг ҳудудий органларининг компенсация тўловлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари

35. Давлат экология қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Низомда белгиланган шакллар бўйича компенсация тўловчи субъектлардан компенсация тўлови ҳисобларини талаб қилиш;

жойлашган жойидан қатъи назар атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи манбаларни, шу жумладан, ишлаб чиқариш бинолари, объектлар, кўчма манбалар, ҳудудларни кўздан кечириш, шунингдек, компенсация тўловчи субъектларга тегишли бўлган, атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ташламаларни жойлаштириш жойларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказиш;

компенсация тўловчи субъектларнинг ахборотидан фойдаланган ҳолда ташламалар, оқовалар ва чиқиндилар массасини ҳисоблаш усули билан аниқлаш;

компенсация тўловчи субъектлардан компенсация тўловларини ҳисоблашда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва керакли маълумотларни талаб қилиш, ҳисоб-китобларни тасдиқлайдиган маълумотлар, компенсация тўловларини ҳисоблашда аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишини назорат қилиш;

тўловлар бўйича қарзларни, шунингдек, пеняларни қонунда белгиланган тартибда ундириш;

компенсация тўловларининг тўғри ҳисоб-китоб қилиниши текшириш учун малакали мутахассислар ва экспертларни жалб этиш;

компенсация тўловларини ундириш билан боғлиқ бўлган даъволарни суд органларига тақдим этиш.

Давлат экология қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари компенсация тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

36. Давлат экология қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

компенсация тўловчи субъектларга компенсация тўловини ҳисоб-китоб қилиш масалалари бўйича маслаҳат ва тегишли методик ёрдамлар кўрсатиш ҳамда ўқув семинарларини ўтказиш;

компенсация тўловчи субъектлар бўйича тасдиқланган экологик нормативларга асосан йиллик маълумотлар базасини янгилаб бориш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловларини ҳисоб-китоб қилиш ва ундириш соҳасидаги талаблар, қоидалар ва бошқа масалалар юзасидан компенсация тўловчи субъектларнинг сўровига асосан уларни бепул хабардор қилиш.

Давлат экология кўмитаси ва унинг ҳудудий органлари компенсация тўловларини ҳисоб-китоб қилиш ва ундириш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10-боб. Яқунловчи қондалар

37. Ушбу Низомнинг тўғри қўлланишини назорат қилиш экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

38. Атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари соҳасида пайдо бўладиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги
ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун
компенсация тўловларини қўллаш
тартиби тўғрисида низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосфера ҳавосига
ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик
учун компенсация тўловларининг
БАЗАВИЙ СТАВКАСИ

Т/р	Ифлослантирувчи моддалар номи	Атмосфера ҳавосига бир тонна ифлослантирувчи моддани чиқариб ташлаганлик учун компенсация тўловларининг белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг коэффиценти миқдоридаги базавий ставкаси
1.	Азот икки оксиди (азот диоксиди)	0,0889
2.	Азот оксиди	0,0599
3.	Акрилонитрил	0,1520
4.	Акролеин	0,1520
5.	Бензой альдегид (бензальдегид)	0,1140
6.	Мойли альдегид	0,3040
7.	Алюминий оксиди	0,1140
8.	Аммиак	0,0889
9.	Аммоний нитрат (аммиакли селитра)	0,0128
10.	Аммоний сульфат	0,0240
11.	Аммоний хлорид	0,0450
12.	Аммофос	0,0128
13.	Малеин ангидрид (буғлар, аэрозоль)	0,0910
14.	Олтингугурт ангидрид (олтингугурт гази, олтингугурт икки оксиди)	0,0291
15.	Сирка ангидриди	0,1520
16.	Фосфор ангидрид	0,0910
17.	Фтален ангидрид (буғлар, аэрозоль)	0,0450
18.	Анилин	0,1520
19.	Ацетальдегид	0,4560

20.	Ацетон	0,0130
21.	Ацетилен	0,0040
22.	Ацетофенон	1,5220
23.	Барийли карбонат кислота (барийга қайта ҳисоблаганда)	0,7099
24.	Оқсил маъданли қўшимчаси (БМД)	45,6480
25.	Оқсил витаминли концентрат чангининг оқсили	4,5650
26.	Бенз(а)пирен (3,4 – бензпирен)	45647,9330
27.	Бензин (нефтли, кам олтингугуртли, углеродга қайта ҳисоблаганда)	0,0040
28.	Сланецли бензин (углеродга қайта ҳисоблаганда)	0,0910
29.	Бензол	0,0450
30.	Гидролиз лигниндан биостимулятор	0,0020
31.	1.3-бутадиен (дивинил)	0,0050
32.	Бутан	0,0000
33.	Бутилацетат	0,0450
34.	Ванадий беш оксиди	1,7533
35.	Ванилин хлорид	0,9130
36.	Водород хлорид (туз кислотаси)	0,0240
37.	Водород цианид (синил кислотаси)	0,4560
38.	Вольфрам натрий (вольфрамга қайта ҳисоблаганда)	0,0450
39.	Гексан	0,0001
40.	Кўмир кислотаси диамини (карбамид, мочевино)	0,0240
41.	Диметиламин	0,9130
42.	Диметилформаид	0,0001
43.	2.4-динитро-2-фтор-бутилфенол (диносеб, гебутокс)	0,9130
44.	0 – Дихлорбензол	0,1520
45.	Темир оксиди (темирга қайта ҳисоблаганда)	0,1140
46.	Сланец кули	0,0450
47.	Иссиқлик электрстанцияларининг кўмир кули (таркибида 35 – 40% кальций оксидли, 3 мкм гача ва ундан кам, аммо 97% дан кам бўлмаган дисперсияга эга)	0,2280

48.	Изопропил	0,0040
49.	Капролактама (буғлар, аэрозоль)	0,0760
50.	Азот кислотаси	0,0310
51.	Бор кислотаси	0,2280
52.	Метакрил кислота	0,4560
53.	Олтингугурт кислотаси	0,0450
54.	Сирка кислотаси	0,0760
55.	0-фосфорли кислота	0,2280
56.	Металл кобальт, кобальт хлорид	4,5650
57.	Олтингугурт кислотали кобальт (кобальтга қайта ҳисоблаганда)	11,4120
58.	0-Крезол	0,1630
59.	М, П-Крезол	0,2280
60.	Аморфли кремний икки оксиди (аэросид – 175)	0,2280
61.	Ксилол	0,0240
62.	Магний оксиди	0,0910
63.	Магний хлорат	0,0140
64.	Электростанцияларнинг мазут кули (ванадийга қайта ҳисоблаганда)	1,4184
65.	Марганец, марганец оксиди ва бошқа бирикмалар (марганец икки оксидига қайта ҳисоблаганда)	3,5065
66.	Мис оксид, мис хлорид (мисга қайта ҳисоблаганда)	2,2820
67.	Олтингугуртли, олтингугурт кислотали, хлорли мис (мисга қайта ҳисоблаганда)	4,5650
68.	Метан	0,0692
69.	Метилацетат	0,0650
70.	Метилмеркаптан	507,1990
71.	Акрил кислотанинг метил эфири (метилакрилат)	0,4560
72.	2-метилфуран (метилфуран, сільван)	0,3040
73.	Молибден икки сульфиди (молибденга қайта ҳисоблаганда)	0,0450
74.	Этиленгликол моноизобутил эфири (бутилцеллозольв)	0,0140
75.	Моноэтанолламин	0,4560
76.	Моноэтиламин	0,4560

77.	Маргимуш, маргимуш ангидрид ва бошқа аорганик бирикмалар (маргимушга қайта ҳисоблаганда)	1,1683
78.	Натрий гидроксиди (каустик сода, ўткир натрий)	0,4560
79.	Натрий карбонат (кальцинацияланган сода)	0,1140
80.	Натрий силикат (натрий кремний оксиди)	0,0140
81.	Натрий сульфат, сульфит, сульфит-сульфат тузлари	0,0450
82.	Натрий триполифосфат	0,0090
83.	Никель, эрийдиган тузлар (никелга қайта ҳисоблаганда)	22,8240
84.	Никель олтингургурт оксиди, никель оксиди (никелга қайта ҳисоблаганда)	4,5650
85.	Нитробензол	0,5710
86.	Озон	0,1169
87.	Одорант ТМА (табиий меркаптанлар аралашмаси)	91,2960
88.	Қалай икки оксиди, оксид, сульфат (қалайга қайта ҳисоблаганда)	0,2280
89.	Қалай хлорид (қалайга қайта ҳисоблаганда)	0,0910
90.	Парамолибден аммоний (молибденга қайта ҳисоблаганда)	0,0450
91.	Пентан	0,0002
92.	Пиридин	0,0580
93.	Пропилен оксиди	0,5710
94.	Абразив чанг	0,1140
95.	Ацетатцеллюлоза, ацетилцеллюлоза, қоғоз, ип, картон чанги	0,0910
96.	Алюмосиликат чанги (табиий модификацияланмаган цеолитлар)	0,2280
97.	Аминопластлар чанги	0,1140
98.	Намат чанги	0,1520
99.	Ёғоч чанги	0,0450
100.	Ғалла чанги	0,0910
101.	Фосфогипсинг цемент билан бирикмасидан гипс чанги (аорганик)	0,0090
102.	Омухта ем, суяк ва гўшти суяк уни чанги (оқсилга қайта ҳисоблаганда)	4,5650

103.	Чарм чанги	0,1520
104.	Мўйна (жун, тивит) чанги	0,1520
105.	Ун чанги	0,0010
106.	Таркибида 70% дан ортиқ кремний икки оксиди (динас ва бошқалар) бўлган аорганик чанг	0,0701
107.	Таркибида 20 дан 70%гача кремний икки оксиди (шамот, цемент ва бошқалар) бўлган аорганик чанг	0,0359
108.	Таркибида 20%дан кам кремний икки оксиди (доломит ва бошқалар) бўлган аорганик чанг	0,0234
109.	Полиметилметакрилат чанги	0,0450
110.	Шиша тола, шиша пластик чанги	0,0760
111.	Резольв туридаги фенолформальдегид смола чанги	0,1140
112.	Пахта чанги	0,0910
113.	Цемент ишлаб чиқаришидаги чанг (таркибида 60% дан ортиқ кальций оксид ва 20% дан ортиқ кремний икки оксиди бўлган)	0,2280
114.	А ёғоч-спирт маркали эритгич (ацетон эфир)	0,0380
115.	Э ёғоч-спирт маркали эритгич (ацетон эфир)	0,0650
116.	АМР-3 мебель эритувчиси	0,0510
117.	Симоб ва унинг бирикмалари	15,2160
118.	Қурум	0,0910
119.	Қўрғошин, қўрғошин ацетат, қўрғошин оксиди ва бошқа бирикмалар, тетраэтил қўрғошиндан ташқари (қўрғошинга қайта ҳисоблаганда)	11,6878
120.	Олтингургуртли қўрғошин (қўрғошинга қайта ҳисоблаганда)	1,5745
121.	Элементар олтингургурт	0,0650
122.	Олтингургурт водород	0,4396
123.	Олтингургурт углерод	0,9130
124.	“Лотос”, “Ока”, “Эра” туридаги сунъий ювиш воситалари	0,1520
125.	“Био-С” сунъий ювиш воситаси	0,4560
126.	Сольвент-нафта	0,0240

127.	Бутил, изобутил спирт	0,0359
128.	Изопропилен спирти	0,0086
129.	Метил спирти	0,0070
130.	Тетрагидрофурил спирти	0,0450
131.	Фурил спирти	0,4560
132.	Этил спирти	0,0007
133.	Стирол	2,2820
134.	Тетрагидрофуран	0,0240
135.	Тетрахлорэтилен (перхлорэтилен)	0,0760
136.	Тетраэтил қўрғошин	760,7990
137.	1,2,3-Тиадиазонил-5-N1-фенилмочевина (дропш)	0,0240
138.	Толуол	0,0063
139.	Трихлорэтилен	0,0050
140.	Триэтиламин	0,0330
141.	Уайт-спирит	0,0050
142.	С-С меъёрий углеводородлар (РПК 265 эритгичи ва бошқалар суммар органик углеродга қайта ҳисоблаганда)	0,0069
143.	Углерод тўрт хлорид	0,0070
144.	Углерод оксиди	0,0010
145.	Иссиқлик электрстанцияларининг қўмир кули (таркибида 35 – 40% кальций оксиди бўлган, 3 мкм гача ва ундан кам, 97% дан кам бўлмаган дисперсланган)	0,2280
146.	Фенол	1,1683
147.	Сланецли феноллар	0,6520
148.	Формальдегид	1,5220
149.	Формаид	0,1520
150.	Газсимон фтор бирикмалари (фторли водород, фторга қайта ҳисоблаганда тўрт фторли кремний)	0,9130
151.	Яхши эрийдиган, аноорганик фтор бирикмалари (натрий фторид)	0,4560
152.	Яхши эримайдиган, аноорганик фтор бирикмалари (алюминий фторид, кальций фторид, натрий гексафторалюминат)	0,1167

153.	Фуран	0,4560
154.	Фурфурол	0,0910
155.	Хлор	0,1163
156.	М-Хлоранилин	0,4560
157.	Хлорбензол	0,0450
158.	Хлоропрен	2,2820
159.	Олти валентли хром (хром оксидига қайта ҳисоблаганда)	2,3365
160.	Уч валентли хром бирикмалари (Cr 3+га қайта ҳисоблаганда)	0,4560
161.	Циклогексан	0,0021
162.	Рух оксиди (рухга қайта ҳисоблаганда)	0,0910
163.	Рух стеарат (рухга қайта ҳисоблаганда)	0,9130
164.	Рух сульфат (рухга қайта ҳисоблаганда)	0,5710
165.	Эпихлоргидрин	0,0240
166.	Хлорли этил	0,0240
167.	Этилацетат	0,0359
168.	Этилендиамин	0,1520
169.	2-этоксигэтанол (этилцеллюзоль, этиленгликоль этил спирти)	0,0040
170.	Этилен	0,0010
171.	Этил оксиди	0,1520

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги
ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун
компенсация тўловларини қўллаш
тартиби тўғрисида низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосфера ҳавосига бир тонна
мотор ёқилғиси ёқилганда ифлослантувчи моддаларни чиқариб
ташлаганлик учун компенсация тўловлари миқдорининг
БАЗАВИЙ СТАВКАСИ (ШАХСИЙ ТРАНСПОРТДАН ТАШҚАРИ)**

Т/р	Мотор ёқилғиси номи	Атмосфера ҳавосига бир тонна ифлослантувчи моддани чиқариб ташлаганлик учун компенсация тўловларининг базавий ставкаси (белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг коэффициентини миқдорида)
1.	Авиация бензини	0,042
2.	Этилланган автобензин	0,09
3.	Этилланмаган автобензин	0,033
4.	Автомобиль дизель ёқилғиси	0,033
5.	Тепловозлар учун дизель ёқилғиси	0,033
6.	Реактив ёқилғи	0,024
7.	Сиқилган табиий газ	0,022
8.	Суюлтирилган нефть гази	0,038
9.	Сув транспорти учун ёқилғи (флот мазути)	0,652

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги
ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун
компенсация тўловларини қўллаш
тартиби тўғрисида низомга
3-илова

**Бир тонна мотор ёқилғисини ёқишда чиқариб
ташланадиган ифлослантирувчи моддалар
МАССАСИ**

Т/р	Ёқилғи турлари	Ифлослантирувчи моддалар массаси, кг
1.	Авиация бензини	169,8
2.	Этиланмаган автобензин	788,0
3.	Этиланган автобензин	788,3
4.	Автомобиль дизел ёқилғиси	208,5
5.	Тепловозлар учун дизел ёқилғиси	120,5
6.	Реактив ёқилғи	178,5
7.	Суялтирилган нефть гази	584,8
8.	Сиқилган табиий газ	274,0
9.	Сув транспорти учун ёқилғи (флот мазути)	198,4

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги
ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун
компенсация тўловларини қўллаш
тартиби тўғрисида низомга
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув объектлари, жой рельефи
ва коммунал-канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни
ташлаганлик учун компенсация тўловлари миқдорининг
БАЗАВИЙ СТАВКАСИ**

Т/р	Ифлослантирувчи моддалар номи	Бир тонна ифлослантирувчи модда ташлаганлик учун компенсация тўловларининг белгиланган базавий хисоблаш миқдорининг коэффициенти миқдоридаги базавий ставкаси
1.	Азот аммоний	2,3805
2.	Азот нитрат	0,1398
3.	Азот нитрит	70,0777
4.	Акрил кислотаси	2,8041
5.	Алюминий	15,5692
6.	Анилин	10528,6686
7.	Антио (кимёвий заҳар)	105,3163
8.	Ацетон	14,0084
9.	Ацетонитрил	0,9814
10.	Бензол	2,1063
11.	Бериллий	4483,2794
12.	БПК тўлиқ, БПК 5	0,4179
13.	Бутанол (меъёрда)	35,1054
14.	Бутифос	3510,5437
15.	Ванадий	10,5316
16.	Муаллақ моддалар	0,0344

17.	Висмут беш валентли	10,5316
18.	Висмут уч валентли	2,1063
19.	Вольфрам	494,1796
20.	Техникавий ДДТ	10,5316
21.	Диметил формаид	10,5317
22.	Диэтил эфир	10,5316
23.	Темир (умумий)	1,7238
24.	Ёғлар	172,8100
25.	Кадмий	54,8616
26.	Калий	0,0129
27.	Кальций	0,0047
28.	Капролактам	1,0532
29.	Карбофос	10,5316
30.	Кобальт	39,5344
31.	Қора бۆёк	1,7118
32.	Кремний	0,3587
33.	Ксилол	14,0204
34.	Магний	0,0217
35.	Енгил иссиқ мой	21,0633
36.	Соляр мойи	210,6326
37.	Мис (фондан)	549,1338
38.	Метанол	7,0102
39.	Молибден (ион)	988,3593
40.	Мочевина (карбамид)	0,0857
41.	Маргумуш	18,2266
42.	Натрий	0,0054

43.	Нефть ва нефт маҳсулотлари	196,5035
44.	Натрий тиосульфат	0,8558
45.	Никель	54,8860
46.	Аммоний нитрат	70,0467
47.	Нитробензол	105,3163
48.	ОМК (оксидланган мойли кислоталар	7,0700
49.	Роданидлар	7,0102
50.	Симоб	210,6326
51.	Қўрғошин	53,1065
52.	Селен	1053,5706
53.	Олтингугурт	0,1304
54.	Олтингугурт углерод	0,8967
55.	Скипидар	5,2658
56.	СПАВ	3,4562
57.	Стирол	7,0374
58.	Стронций	0,5266
59.	Сулема	10596,8416
60.	Сульфатлар	0,0085
61.	Сурма	17,9331
62.	Қуруқ қолдиқ (минареллашган)	0,0033
63.	Теллур (фонга)	105,3163
64.	Титан	10,5387
65.	Толуол	2,1063
66.	Сирка кислотаси	105,3163
67.	Фенол	295,7057
68.	Фозалон	1052,9540

69.	Формальдегидлар	10,1078
70.	Фосфор умумий	7,0211
71.	Фторидлар	7,0211
72.	Фурфурол	0,7010
73.	Фосфатлар	0,2825
74.	Хлор (қолдиқ)	0,5266
75.	Натрий хлорат	0,0527
76.	Хлорбензол	526,5815
77.	Хлоридлар	0,0029
78.	Хром уч валентли	1,7064
79.	Хром олти валентли	778,4603
80.	Цианидлар	15,8137
81.	Циклогексан	105,3163
82.	Рух	54,8857
83.	Этилбензол	1053,1630
84.	Этилен	0,1402

Изоҳ.

Ихтисослаштирилган коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари бўйича белгиланган ставкаларга нисбатан 0,2 коэффиценти қўлланилади.

Коммунал-маиший оқоваларни тозалаш вазифаларини бажарадиган корхоналар томонидан аҳолидан қабул қилиб олинadиган коммунал-маиший оқовалар учун белгиланган ставкаларга нисбатан 0,5 коэффицент қўлланилади.

Табиий муҳит ифлослантилганлиги
ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун
компенсация тўловларини қўллаш
тартиби тўғрисида низомга
5-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун
компенсация тўловлари миқдорининг
БАЗАВИЙ СТАВКАСИ

Чиқиндилар тури	Ўлчов бирлиги	Бир тонна чиқиндини жойлаштирилганлик учун компенсация тўловларининг белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг коэффициенти миқдоридаги базавий ставкаси
Хавфлилик классси I – юқори хавфга эга	т	0,0813
Хавфлилик классси II – хавfli	т	0,0408
Хавфлилик классси III– ўртача хавfli	т	0,0245
Хавфлилик классси IV – кам хавfli	т	0,0082
Хавфлилик классси V– деярли хавфсиз, шу жумладан:		
- қазиб олиш саноати	т	0,0001
- қайта ишлаш саноати	м.куб	0,0004
- бошқалар	т	0,0022

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги
ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун
компенсация тўловларини қўллаш
тартиби тўғрисида низомга
6-илова

Ташкилот (компенсация тўловчи субъект)нинг штампи

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича _____ туман (шаҳар)
Тўловчи _____

(компенсация тўловчи субъектнинг тўлик номи)

Солиқ тўловчининг идентификация рақами _____

Ҳисоб-китоб учун масъул шахс _____

Ташкилот (компенсация тўловчи субъект)нинг жойлашган ери (почта манзили), телефон рақами _____

Банк реквизитлари _____

(банк муассасасининг номи, коди, ҳисобварағи)

4. Чиқиндилар- ни атроф муҳитга жойлаштириш	Хавфлилик класси I – юқори хавфга эга									
	Хавфлилик класси II – хавфли									
	Хавфлилик класси III – ўртача хавфли									
	Хавфлилик класси IV – кам хавфли									
	Хавфлилик класси V – деярли хавсиз чиқиндилар									
Жами:										
Ҳаммаси:										
Пеня										
Тўланиши керак										

Ташкилот раҳбари (компенсация тўловчи субъект)

_____ (имзо, Ф.И.О.)

Ташкилот бош ҳисобчиси (компенсация тўловчи субъект)

_____ (имзо, Ф.И.О.)

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий
органнинг компенсация тўловлари ҳисоби ва уларнинг
тушумини назорат қилиш бўлим бошлиғи

_____ (имзо, Ф.И.О.)

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги
назорат бўйича шаҳар (туман) инспекцияси бошлиғи

_____ (имзо, Ф.И.О.)

20 ____ йил “ ____ ”

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “12” апрелдаги 202-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 октябрдаги 820-сон қарорининг 1-илоvasи.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 243-банди “б” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

